



**Қозилар, хатиблар ва мухтажлар орасидаги муомала
ва улар ишларининг ривожига ҳақида**



Мамлакат қозиларининг ахволини тўла-тўқис билиш зарур ва улардан қайсилари олиму зоҳид, камбағал, аммо камтамаъ бўлса, тарбия қилиб, шулар билан иш юритиш керак. Агарда шундай бўлмаса, уларни ишдан олиб, ўринларига бошқа лойик кишиларни қўядилар. Уларнинг ҳар бирига зарур даражада маош берадилар, токи хиёнат қилишларига ҳожат қолмасин. Чунки бу иш жуда ҳам нозикдир, улар мусулмонларнинг яхшию ёмонликлари устидан ҳукм чиқарадилар. Бу амални жохил ва нопок кишиларга ишониб бўлмайди, фақат пок, порсо олимларга бериш керак. Агар бирор-бир ҳоким жаҳл ва зулм билан ҳукм чиқарса, подшоҳга маълум қилган ҳолда уни .вазифасидан олиб, жазолаш керак

Вилоят ҳокимлари қози ва шариат ҳукмларини бажаришлари лозим ва саройда шундай олим кишиларни йиғиб, уларнинг амру қарорларига зиён етказмасликлари зарур. Агарда бирор киши шариат ҳокими мажлисига боришни истамаса, уни мажбур қилиб олиб келадилар, токи ҳақиқат аён бўлсин ва ҳеч ким ҳукмдан бош тортмасин. Одам алайҳиссалом замонидан бери то ҳозиргача дунёда ҳар миллат ва мулкларда адолат қилиб келинган, инсоф бериб тўғри иш тутилган ҳоллар кўп. Шундан уларнинг мулк давлатлари узок йиллар обод бўлиб турган.

Хикоят

Айтишларича, Ажам шохларида шундай бир русм бўлган экан, Меҳржон ва Наврўз кунларида подшоҳ раиятни қабул қилар ва ҳеч ким уларга монеталик билдирмас экан. Подшоҳ жар солдириб: «Ўз ишларингиз бўлса, фалон куни ҳузуримга келинглари!» деб айтар экан. Одамлар ўз аризаларини далиллар ё гувоҳлари билан олиб келиб, ишларини

битириб кетаркан. Кунларнинг бирида жарчи оркали подшоҳ шундай кўшимча фармон беради:

Кимда-ким хожатмандлар, арз килувчиларнинг йўлини тўсса, подшоҳ унинг конини тўкади. Шу йўсинда подшоҳ одамлар арзини эшитар, улар аризаларини кўтариб, бирма-бир саройга кириб чиқар эканлар. Агарда бирор аризада подшоҳ устидан шикоят бўлса, у козиларни ўнг томонига кўйиб, чапда мубадлар мубади, яъни кози ул-куззот деганларини ўтказар экан. Сўнгра подшоҳ тахтидан тушиб, козилар олдида тиз чўкиб айтар экан. Аввало, шу кишининг мен билан боғлиқ арзини ҳеч нарсага - эътибор бермай, оғишмай ҳал эт.

Шундан кейингина кимнинг подшоҳга бирор хусумати бўлса, ҳаммалари саройга келсин, подшоҳ аввал уларнинг ишларини кўриб чиқади, деб эълон қилинади. Сўнгра подшоҳ козига деркан:

Аллоҳ таоло олдида подшоҳларнинг гуноҳларидан кўра - каттарок гуноҳ йўқ. Уларнинг ҳақ ишлари Аллоҳ таоло неъматларини қадрлаб, раиятни ҳимоя этиб, адолат билан ситам килувчилар қўлларини қисқартиришдан иборатдир. Агарда подшоҳнинг ўзи ситамкор бўлса, лашкари ҳам зулмпеша, Худони ҳам эсдан чиқаргувчи, Худо берган неъматларга қуфр етказувчи бўлади. Яна улар Тангри қазабига гирифторм бўлиб, тақдир қўлида ёлғиз қоладилар. Шундай кунлар келмасин, бўлмаса олам ҳароб бўлиб, улар ниятлари шумлигидан ўлиб кетадилару подшоҳ қиёматда жавобини беради. Эй Худо қозиси, менинг сўзларимга аҳамият бер, чунки Худойи таоло мендан нимани сўраса, мен ҳам сендан шуни сўрайман ва бўйинингга қўяман.

Шундан кейин қози жабрланувчи билан подшоҳ ўртасига ҳақдўст бўлиб қираркан ва рақиб ҳақ бўлса, унинг жавобини беради, бирор киши подшоҳга ёлгон айб қўйган бўлсаю, далили бўлмаса, унга қаттиқ ҷазо бериб, бу, подшоҳ ва унинг мамлакатидан айб қидирадиган - кишининг ҷазоси ана шундай бўлади,- дер экан.

Шундан сўнг подшоҳ тахтига ўтириб, тожини бошига қийиб, вакиллари аъёнларига мурожаат қилиб, мен бу ишларни шунинг учун ҳам ўзимдан бошладимки, сизлардан бирор киши бундан буён ситам қилишга ҷуръат этмасин. Энди сизлардан ҳам бирор кишига жабр етган бўлса, бориб ҳурсанд қилинглари,- деркан.

Унинг яқин қишлоқлари ҳам шу қуни ундан узоқроқда юрардилар. Ардашер давридани Яздигурд замониғача шундай давом этиб келди.

Яздигурд эса оталари одатидан қайтиб, бу оламда ёмонлик одатини тиклади ва одамлар ранжу азобга тушиб, уни қўп дуои-бад қилиб, лаънатладилар. Бир қуни тўсатдан қиройли бир от унинг саройига кириб келади. Ҳамма хайрон қолиб, уни ушламоқчи бўлади, лекин ушлолмайди. От айвонга кириб Яздигурд олдида жим туради.

Жим бўлинглар, бу Аллоҳ таолонинг менга юборган -ҳақсия,- дейди Яздигурд. Жойидан туриб секин от олдига келиб, ёлидан ушлаб қилади. Белига қўлини қўяди, от эса жим тураверади. Яздигурд эгар-жабдук ва бўйинтурук талаб қилади. Бўйинтурукни отнинг бўйнига солиб, жабдукни қўйиб, тортиб боғлайди ва энди пордумини ўтказмоқчи бўлганида қўққисдан от Яздигурдни жойида уриб, ўлдириб қочиб кетади ва ҳеч қимса отнинг дарагини топмабди. Қаердан қилиб қатъия қетганини ҳеч қим билмай қолади. Одамлар айтадиларки, «бу Аллоҳ таоло юборган бир қаришта бўлиб, бизни Яздигурд ситамидан озод қилди.

Хикоят

Бир куни Аммора ибн Ҳамза халифа Восик мажлисида ўтирган экан. Зулм чекканларни қабул қилиш куни бир ситам кўрган киши келиб, мулкани Аммора зўравонлик билан тортиб олганлиги тўғрисида шикоят қилади. Халифа Восик биллоҳи Амморасига:

-Туриб даъвогар ёнига ўтир ва далилингни кўрсат,- дейди.

Аммора айтади:

Мен унинг рақиби эмасман ва агар шу мулк меники бўлса, -унга ҳадя қилдим, халифа мени ҳурмат билан ўтказган жойидан турмайман. Обрў-мартабамни бир парча ер учун барбод қилишни истамайман. - Шунда унинг юксак ҳимматлилиги ҳаммага ҳуш келган экан.

Подшоҳ козиси даъвогарларнинг сўзларини ўзи эшитмоғи керак. Агарда подшоҳ турк ё тожик ёки бошқа киши бўлсаю, араб тили ва шариат қоидаларини билмаса, унда ноиблардан бири ноилоҳ унинг ўрнига ишларни олиб бориши керак бўлади. Ва ҳамма козилар подшоҳнинг ноибидирлар. Подшоҳ козиларини қудратли ҳолда саклаб, уларнинг ҳурматию мартабаларини кўтариши зарур, ҳамда жомеъ масжидларида намоз ўқийдиган хатибларни Куръонни биладиган порсо кишилардан тайинлаши шарт. Чунки намоз ишлари нозик бўлиб, агар имом намозида қамчилик бўлса, эл намозида ҳам нуқсон пайдо бўлади. Ҳар бир шаҳарда тарози ва нархларни тартибга соладиган, олди-сотди ишларини биладиган энг олим ва доно кишилардан мухтасиб қўйиш керак. Ва атрофдан олиб келиб сотиладиган ҳар бир молни бозорда сотиш учун ва харидорларни алдамаслик учун улар устидан назорат бўлиши шарт. Тарози тошларини тўғри тутиб, амри маъруф ва наҳйи мункар қилишлари лозим. Подшоҳ ва унинг хизматкорлари мухтасибни қўллаб-қувватлашлари керак. Мамлакатни бошқариш ва диндорлик қоидаларидан бири шудир. Агарда улар бунга қарши ҳукм қилсалар, дарвеш ранжийди, бозорларда одамлар ҳоҳлаган йўсинларида савдо қиладилар, фиску фасод пайдо бўлиб, шариат иши раванк топмай, бетартиблик бошланади. Ҳамиша бу ишни ҳос қилишга топширадилар, токи турку тожик демай иш тутсину, мартабалилар ҳам, омма ҳам ундан кўрксин ва ҳамма ишлар инсофдан бўлиб, Ислоҳ қоидалари маҳкам турсин. Хикоятда ана шундай дейилган.

Хикоят

Нақл қиладиларки, Султон Маҳмуд ҳар кеча ўз ҳосу надиملари билан шароб ичарди. Али Нўштагин ва Муҳаммад Газнавий унинг улуг амиру умаролари жумласидан эдиларки, улар Маҳмуд мажлисида ҳозир бўлиб, ҳар кеча эрта тонггача ухламай шароб ичардилар. Кун чиққач, Али Нўштагинга уйқусизлик азоби ва кўп шароб ичганлиги таъсир кўрсатиб, боши оғрир эди. У бир куни туяга ўтириб, уйига бормокчи бўлади.

Унга Маҳмуд дейди:

Қуппа-қундуз куни маст бўлиб уйга боришинг яхши эмас.

-Намози асргача бирор соат шу ерда чўзилиб ёт, кейин кетгин, агарда мухтасиб сени шу аҳволда кўрса, обрўйингни тўқади ва мени ҳам ҳафа қилади. Кейин мен унга ҳеч нима дея олмай қоламан.

Али Нўштагин эллик минг аскарга лашкарбоши бўлиб, жуда шижоатли ва яхши жангчи эди. Ўз замонасида унга тенг қиладигани топилмасди, у бир ўзи минг кишига қарши тура оларди. Мухтасибнинг шундай қила олиши ақлига ҳам сикмасди. Бзовталаниб, албатта боришим керак, деб аҳд қилади. Ўзинг биласан, - дейди Маҳмуд унга -

Али туяга миниб, кўп жамоа билан, қўшини, қулларию хизматкорлари билан уйига қараб йўл олади. Иттифоқо мухтасиб юз нафар суворий билан бозор ўртасида турган экан.

Али Нўштагинни бундай маст ахволда кўриб, туядан туширтириб олади ва ўзи ҳам отдан тушади. Аскарларидан ҳам икки киши пиёда бўлиб, бири Алини ушлаб туради, иккинчиси ундан мухобо ва муболага килмай, шундай урадики, у ер тишлаб қолади. Лашкари ва одамлари буни кўриб, гапиришга журъат килолмайдилар. Бу мухтасиб баобрў бир турк бўлиб, давлатга кўп хизмат килган эди. Мухтасиб кетиб, Али Нўштагинни уйига олиб борадилар. У йўл-йўлакай ўзига-ўзи гапириб Кимки султон фармонини бажармаса, унинг ахволи меникидай бўлади, дейди.

Эртаси куни Али Нўштагин хизматга келади. Султон сўрайди:

Нима бўлди! Кандай килиб мухтасибдан халос бўлдинг? - Али эгилиб чизик-чизик бўлиб кетган оркасини Султонга кўрсатади. Султон кулиб, маст бўлиб уйдан чикмайман, деб тавба килгин,- дейди

Качонки подшоҳлик тартиби ва сиёсат коидаси бир изга солинса, адолат ишлари ҳам худди шундай бўлади

Хикоят

Эшитишимча, Газнида новвойлар дўконларини ёпади. Нон киммат ва камчил бўлиб қолади. Бундан ранжиган камбагал ва дарвешлар султон даргоҳига келиб, новвойлардан шикоят қилади. Султон буюриб хос новвойини келтириб, фил оёғи остига ташлатади.

Ўлганидан сўнг уни филнинг тишига боғлаб, шаҳар айлантирадилар ва жар соладиларки, кимда-ким дўконини ёпиб, нон сотмаса, жазоси шундай бўлади омборларни очишади, шом намози вақтида ҳар бир дўконда элликтадан нон ортиб қолибди.